

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мазмун-моҳияти ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, иқтисодиётда хуфёна айланмани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ПК-5243-сонли Қарори қабул қилинди.

**Қарорининг 1-бандига асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб,** чакана савдо ва умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш обьектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг маҳсус мобиль иловасида (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга уларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг **1 фоизи** республика бюджетидан қайтарилиши белгиланди.

**Бундан, автомобиль сотиб олганлик учун тўлов, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизматларни солиқ органларининг маҳсус мобиль иловасида (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга уларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг **1 фоизи** республика бюджетидан қайтарилиши белгиланди.**

Шунингдек, сотиб олувчиларга чекларни ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек, идентификация қилиш воситалари билан мажбурий рақамли маркировка қилиш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилганлиги ёки маркировка мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органларига **маҳсус дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга**, ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима суммаси ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларида назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибининг бузилиши бўйича белгиланган жариманинг **20 фоизи** миқдорида мукофот тўланиши, бунда, жариманинг қолган ундириладиган қисми белгиланган тартибда тақсимланиши белгиланди.

- Тўлов тизимлари операторлари ўз тўлов тизимларини онлайн назорат-касса машиналарига мажбурий равишда улаш ва шу орқали солиқ органларининг ахборот тизимларига интеграциялашни таъминлаш талаби ўрнатилади.

**Қарорининг 2-бандига асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб,** маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификациялаш кодлари акс эттирилмайдиган онлайн НКМ ва виртуал касса чекларини тақдим этиш **тақиқланади**.

**Мазкур талаблар бузилган онлайн НКМ ва виртуал кассалар Давлат солиқ қўмитаси томонидан давлат роҳи чиқариб ташланиши белгиланди.**

- **2022 йил 1 январдан бошлаб**, банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш, онлайн НКМни жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотни солиқ органларига тақдим этиш (виртуал кассалар ва онлайн НКМ сифатида фойдаланилаётган банк карталарини қабул қилувчи терминаллар бундан мустасно), штрих кодлар ва рақамли маркировка кодларини эркин ўқиш ва аниқлаш имкониятига эга бўлмаган онлайн НКМларини **давлат реестрига киритиш** ҳамда **солиқ органларида рўйхатга олиш**, **2023 йил 1 январдан бошлаб** аҳоли билан пулли ҳисоб китобларни амалга оширишда **фойдаланиш тақиқланади**.

**Қарорининг 3-бандига асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб,** рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун онлайн НКМ ва виртуал кассага уланган, штрих кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни **1/2** аниқлашни таъминловчи маҳсус қурилмалардан (2D-сканерлар, маълумотларни ийғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги маҳсус қурилмалар) мажбурий фойдаланиш талаби ўрнатилади.

---

## **2D-сканер**

2023 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектлариға онлайн НКМ ҳамда штрих кодлар ва рақамли маркировка кодларини түғри үқишини ва аниқлашни таъминловчи маҳсус қурилмаларнинг ҳар бирини сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар суммасига, лекин биттә қурилма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларини камайтириш хуқуқи берилади.

2021-12-02 16:28:05